

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Юсупхаджиева М. – ТошДШИ 2-босқич магистранти

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг асосий йўналишлари, икки мамлакат ўртасидаги экспорт таркиби, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари қисқача баён этилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён ўзаро савдо-иқтисодий алоқалари барқарор ривожланиб келмоқда. Бу мамлакатлар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама муносабатлар доирасида самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, уни собитқадамлик билан амалга оширмоқдалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасидаги савдо алоқалари динамик тарзда ривожланиб келаётган бўлса-да, унинг кўлами анча кичик. Агар 2003 йилда бу икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси 42,1 млн долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 177,2 млн. долларга етди, яъни 4,2 мартага ўсди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари динамикаси

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Сальдо
2003	42,1	4,0	38,1	-34,1
2004	55,5	5,7	49,8	-44,1
2005	62,0	7,1	54,9	-47,8
2006	73,3	9,7	63,4	53,7
2007	137,8	10,6	127,2	-116,6
2008	162,0	20,4	141,6	-121,2
2009	145,8	12,3	143,5	-131,2
2010	138,5	25,8	112,7	-86,9
2011	156,7	22,0	134,7	-112,7
2012	177,2	20,4	156,8	-136,4
2012 йилда 2003 йилга нисбатан, марта	4,2	5,1	4,1	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Т.: 2013. – Б.317 асосида тузилган

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи таҳлил қилинаётган давр мобайнида Ўзбекистоннинг Беларусга экспорти импортга нисбатан юқориқ суръатларда ўсган бўлса-да, бу икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида Ўзбекистон учун салбий сальдо шаклланган. Агар 2003 йилда Ўзбекистон Беларусга 4 млн. долларлик товар ва хизматлар экспорт қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 20,4 млн. долларга етди. Айни вақтда импорт ҳажми 38,1 млн. АҚШ долларида 156,8 млн. АҚШ доллариғача ўсди. Бунинг натижасида эса ўзаро савдодаги Ўзбекистон учун салбий сальдо 34,1 млн. АҚШ долларида 136,4 млн. АҚШ доллариға етди.

Беларуснинг Ўзбекистонга экспортининг асосини тракторлар, шакар, юк автомобиллари, музлатгичлар, дори воситалари, велосипедлар ва бошқалар ташкил этади. Айни вақтда Ўзбекистон Беларусга пахта толаси, ип-калава ва трикотаж буюмлар, енгил автомобиллар, узум, мева ва қурук мевалар экспорт қилади.

Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда 50 га яқин Беларусь корхоналарининг дилерлари фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида расман 17 та Беларусь капитали иштирокидаги корхона рўйхатдан ўтказилган. 2012 йилда эса Ўзбекистонда биринчи 100 фоиз Беларусь капитали иштирокидаги корхона – “AMKODOR-TASHKENT” масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхона ташкил этилди.

2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон замонавий пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган “МТЗ” РУК томонидан ишлаб чиқарилган узеллар ва бутловчиларни Тошкент трактор заводи конвейери учун етказиб бериш бошланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тоғ-кон корхоналарида 535 дона БЕЛАЗ русумли техника ишламоқда. Бу эса Ўзбекистонда ишлаётган карьер техникаси паркининг 80 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Айни вақтда Беларусь томонидан Зарафшон шаҳрида барпо этилган “Карьер

самосвалларига хизмат кўрсатиш бўйича таянч пункти”да БЕЛАЗ техникаси учун эҳтиёт қисмларни узлуксиз тарзда етказиб бериш йўлга қўйилган.

Ҳар икки мамлакат ҳукумати томонидан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида 2008-2017 йилларга мўлжалланган Шартнома ва Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик Дастури имзоланган.

Юқоридаги ижобий ўзгаришларга қарамадан, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланишини талаб даражасида деб бўлмайди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 2012 йилда Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатларига экспортининг атиги 0,2 фоизи Беларусь ҳиссасига тўғри келган бўлса, импорт операцияларида Беларуснинг улуши 1,2 фоизни ташкил этган, холос. Ўзбекистоннинг Беларусь экспорти ва импортидаги улуши яна ҳам кичик. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларни Беларусга экспорти ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бунда асосий эътибор Беларуснинг катта шаҳарларида “GM-Uzbekistan” қўшма корхонасининг савдо ваколатхоналарини очишга қаратилмоғи мақсадга мувофиқ;

- Беларусь қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарувчилари ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Зеро, бундай ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир;

- Ўзбекистоннинг мева-сабзавот ва қуруқ мева ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлиб, у нафақат ички эҳтиёжларни қондириш, балки йирик миқдорда экспорт қилиш, жумладан, Беларусга экспорт қилиш имконини беради ва ҳ.к.